

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOЛИҚ ҚЎMITASINING  
ҚАРОРИ

**82** **Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ки-  
ритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2310-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланди-  
ган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қис-  
қартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республи-  
каси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 327-модда) мувофиқ Ўзбе-  
кистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор  
қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-  
сининг 2011 йил 12 декабрдаги 79, 2011-37-сонли қарори (рўйхат рақами  
2310, 2012 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами, 2012 йил, 2-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқарила-  
диган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг  
10-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойи-  
даги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чо-  
рагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.».

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтегаз» МХК билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 17 январь,  
5-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 17 январь,  
2013-3-сон

Hujjat 2013 yil 11 fevral holatiga

**6 (558)-сон**

**— 57 —**

**82-83-моддалар**

**Келишилган:**

*«Ўзбекнефтегаз» МХК  
бошқаруви раиси*

*2013 йил 17 январь*

***Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ***